

ХОЛИС

ОШИҚЛАР  
ҚЎШИҒИ

Ғазаллар,  
мурабба  
ва мухаммаслар



ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ  
АДАБИЁТ ВА САЊАТ НАШРИЕТИ  
ТОШКЕНТ — 1975

Холис (Қобулов Шароб.)

Ошиқлар қўшиғи. Ғазаллар, мурабба ва мухаммаслар. Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975.

48 б.

Текст охирида: Холис (Қобулов Шароб) берилган.

Холис — каттақўрғонлик шоир. Унинг ғазаллари область, республика газета ва журналларида тез-тез кўриниб туради. Қўшни кўрган кекса шоир бунёдкор халқимизнинг меҳнат зафарларини, ҳур совет замонамизни жўшиб, тўлқинланиб куйлайди.

«Ошиқлар қўшиғи» шоир Холиснинг биринчи китоби, ғазал-хонларга чиройлик совғасидир.

Холис (Қобулов Шароб.) - ~~Песни~~  
влюбленных. Стихи.

Уз2

X  $\frac{70403 - 000}{352(06) - 75} 53 - 75$

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат  
нашриёти, 1975

## ЛЕНИН

### *Мувашишах*

Ловиллатиб ёлқинини барқ урибон қуёшимиз  
Чиқди элимнинг бахтига, кўкка етишди бошимиз.

Ер юзига сочди зиё, бўлгуси деб бахти бақо,  
Қайғу-ситами ниҳон ўлиб, тўхтади дийда ёшимиз.

Нури саодатга тўлиб, меҳри дилим аён қилиб,  
Куйлашадур куйга солиб васфингни кекса ёшимиз.

Илму адабнинг йўлига барчани тарғиб айладиғ,  
Ташаббусинг туфайлидин кўпайди нону ошимиз.

Номигни тилга олмаган дунёда бормикин башар,  
Холис жаҳоннинг аҳлига партиядир йўлбошчимиз.

## «ОҚ ОЛТИН»

Юртимиз ифтихори, кўз нуримиз «оқ олтин»,  
Эл таъби равшанлиги, кундузимиз «оқ олтин».

Баҳору қиш, ёзимиз, зафар топиб коримиз,  
Берур миллион тонналаб ҳар кузимиз «оқ олтин».

Таомда йўқдир намак, лаззати йўқдир демак  
Неъматимизни таъми бол, тузимиз «оқ олтин».

Пахтадандир либосим, маншат, ёғли ошим  
Сут ила гўшту ношим, ризқ-рўзимиз «оқ олтин».

Халқим қилиб жон фидо, бурчини қилди адо,  
Ушбу сабаб узун тил, оқ юзимиз «оқ олтин».

Холисо, тўлди план, шод Ватан аҳли билан  
Қариндош эллар аро обрўйимиз «оқ олтин».

## САМАРА

Замонамиз боғида турли самар кўпайсин,  
Нозу неъматлар ила болу шакар кўпайсин.

Эл турмуши фаровон, чандонки шоду хандон,  
Олгу билим ошириб илму ҳунар кўпайсин.

Инсонга ёру ҳамдам техниканинг усули,  
Фабрика-ю, заводлар, машиналар кўпайсин.

Ер ости бойликларин чиқардилар рўёбга,  
Дониш элига асбоб-ускуналар кўпайсин.

Ёзу қишу, йилу ой эл қураду уй-ю жой,  
Қават-қават бинолар — манзаралар кўпайсин.

Инженеру шоирлар, ёзувчилар, моҳирлар,  
Эркин замонамизда янги асар кўпайсин.

Роҳатни севган одам ишлашга топгай имкон,  
Холису марди майдон меҳнатсевар кўпайсин.

## ДУСТЛИК РАМЗИ

Дўсту сирдошим, бу кун хурсандлигим изҳор этай,  
Мен бу миннатдорлигимни бир эмас, минг бор этай.

Қўкка сизмасдин қувончим ҳосили матлубима,  
Паъра тортиб кўча-кўйда халқима ошкор этай.

Ким ёгур ғафлатда билмай, бу мени дилшодлигим  
Воқифи асрор этишга уйқудан бедор этай.

Бўлса ул корхона ичра сизга ҳамкору рафиқ,  
Жумласин ҳурмат билан бошим уза бардор этай.

Учмагай дил сафҳаси узра ёзилган чеклик,  
Плтифотингиз батафсил назм пла аҳбор этай.

Холисо, сидқан дуоин хайр этарман тоабд,  
Бахту иқболу умр давлат қушнини ёр этай.

## ЯХШИ СЎЗ

Яхши сўз бирлан ганимлар ошнога айланур,  
Бўлса бадният агар хуш муддаога айланур.

Бу жаҳонда барча миллат иттифоқни бирлиги,  
Меҳри ортиб элда хешу ақрабога айланур.

Норасоларга адаб йўлини уқдирсанг агар,  
Бора-бора тан бериб ақли расога айланур.

Кун ботиб бўлгач қоронғу ғам чекиб бўлма малул,  
Сабр қилганлар туни нури зиёга айланур.

Холисо, бўлеа вафодор аҳлидан дўстинг сани,  
Ассалому эҳтироминг марҳабога айланур.

## ШАВҚИЙ МАДҲИЯСИ

Аҳли жаҳондан олди олий баҳони Шавқий,  
Илҳом отига миниб кезди самони Шавқий.

Ашъорини садоси кўкларга урди бонгин,  
Фикри тасарруф этди нури зиёни Шавқий.

Наҳв ила сарфу мантиқ бўлди унинг қуроли,  
Ҳандасага сарф этиб меҳри гиёни Шавқий.

Араб тилида эрди мухтасари виқоя,  
Туркига айлантриб берди жилони Шавқий.

Неча китобу дoston тузди бўлиб мусанниф,  
Меҳнатда айлаб қабул жабру жафони Шавқий.

Камтарину ҳам фақир, фаросати беназир,  
Билмайин ўтди умри кибру ҳавони Шавқий.

Асарларин эл била Холисга ҳадя айлаб,  
Қолдирди сўзларида умри бақони Шавқий.



## МУВАШШАХ

### Устоз Ҳабибийга

Ҳамқалам дўстим, муборак тўрт йнгирма ёшингиз,  
Юздан ортиқ гулбаҳор кўрсин тану ҳам бошингиз.

Англагач «Запгори экран»га боқиб, завқим келиб,  
Гойибона назм ила ёздим бўлиб сирдошингиз.

Баҳра олгайлар элим ашъорингизни куйлабон,  
Қилмагайманму хато йўқдур десам тенгдошингиз.

Иззату икромингиз халқ ичра топгандур камол,  
Борҳо қилсин тараққий қуввату бардошингиз.

Бастакорлар куйи оҳангга солиб қилса наво,  
Шеърят мезонида донм оғирдур тошингиз.

Истагим шулдир бориб нозик қўлингиздан ўпиб,  
Кошки бўлсам лаҳза сизнинг дўсту суҳбатдошингиз

Йўлга тушдим шеърят майдонини айлаб ҳавас,  
Холис орзуси эрур юрсам бўлиб йўлдошингиз.

## ЯХШИ ХОТИН

*Умр йўлдошим Рисолатхонга бағишлайман*

Яхшиси жаннат мисол вақтинги чоғ айлар хотин,  
Очилиб гул чехраси қалбинги боғ айлар хотин.

Сақлагай шарму ҳаё, одоб йўлини доимо,  
Ҳар сўзин гўё мулойимликда ёғ айлар хотин.

Халқ учун қилган ишимдан ибрат олсинлар дебон,  
Тарбия айлаш йўлини элга сабоғ айлар хотин.

Ёру дўстларни уйинга чорласанг меҳмон қилиб,  
Зийнати дастурхонини ўттиз тавоғ айлар хотин.

Қўлга олганда қалам дарҳол сукунат сақлабон,  
Шеър ёзган пайти илҳоминг булоғ айлар хотин.

Кўчадан келсанг хаёлиниги паришон англаса,  
Ҳира таъбниг Холисона хушдиноғ айлар хотин.

## УЙЛАБ СУЙЛА

Аввалда севиб сўнгра пушаймон қила кўрма,  
Ҳасратга ботаб ҳажрида нолон қила кўрма.

Севсанг чин агар қавли қарорингга ишонтир,  
Аҳдингни бузиб ваъдани ёлғон қила кўрма.

Ошиқлигидан ташласа гап баъзи йигитлар,  
Рашкин келтириб жилва-ю жавлон қила кўрма.

Севган йигитинг кетса агар сайри сафарга,  
Сен ўзга билан сайри хиёбон қила кўрма.

Пардозни севиб асли қиёфангни бузарсан,  
Кўзгуга боқиб ҳаммани ҳайрон қила кўрма.

Эл қалбига жо бўлгусидир яхши фаолинг,  
Хулқингни бузиб қаҳқаҳа хандон қила кўрма.

Уқдирса агар шарму ҳаё йўлини сенга,  
Холисни нозик кўнглини вайрон қила кўрма.

## КИФОЯ

Хуршидга ҳожатим йўқ, жонон юзинг кифоя,  
Қош остида порлаган қўш юлдузинг кифоя.

Нисанд эмас саёҳат, бўстону боғу роҳат,  
Сайри томошо учун кўрсам ўзинг кифоя.

Тасодифан уйингга камина бўлса меҳмон,  
Минг «жизу биз»ларингдан «сизу биз»инг кифоя.

Тийри нигоҳларингдан етган жароҳатимга  
Дори, табиб на ҳожат, ширин сўзинг кифоя.

Қадам ранжида қилсанг Холисни кулбасига,  
Тошга тушган муҳрдек қолса изинг кифоя.

### ХОЛИНИНГ ДОНАСИДАН

Бир хат ёзиб юбордим ёрли дугонасидан,  
Ранжиб дилим, ўринсиз қилган баҳонасидан.

Жавоб ёзибди менга севгисини унутмай,  
Узмай алоқа мендек чин ошиқонасидан.

Неча кун ўтгач менга суратини юборди,  
Дарак берур менга бу севги нишонасидан.

Оҳу кўзига қараб, гоҳи ўзига боқиб,  
Узолмасдим кўзимни холининг донасидан.

Васлига етган чоғим ўргилайин дегайман,  
Чеҳра ниқобин очган совет замонасидан.

Холис дили беқарор, йўлда кўзи интизор,  
Бир хабар олгайму деб мендек девонасидан.

## ИҚБОЛИММУ?!

Фикримдаги муҳаббат иқболу бахт қушимму,  
Ёки висолинг ўйлаб ухлаб кўрган тушимму?!

Гунча лабинг ишқида чекарман оҳу нола,  
Тонгдаги булбул куйи фиғону нолишимму?!

Дуч келганда гапирмай ерга боқиб қолурсан,  
Ўйловга солган сени менинг ақлу ҳушимму?!

Ёшликда берган кўнгил айрилмас бало дерлар,  
Кўнгилни узмаслигим севимли хоҳишимму?!

Шаҳло кўзингга Холис асиру мубталодур,  
Қалбимдаги ҳарорат ишқингда ёнишимму?!

## ЭЙ, ГҮЗАЛ

Эй гүзал, ўртанганимни асли билмай қўяқол,  
Сен мени тенгим эмас, деб кўзга илмай қўяқол.

Мен сенга ошиқ бўлиб ишқингда тортган дардима  
Келмаса раҳминг агар ҳеч чора кўрмай қўяқол.

Ор этар бўлсанг келиб бир лаҳза суҳбат қургали,  
Ҳоли зоримни бирор сўргани келмай қўяқол.

Сен билан бирга тузилган аҳд ила паймонимиз  
Бўлмаса маъқул агар элга сезилмай қўяқол.

Ногаҳон айрим сабаблар дилга қайғу солди деб,  
Хотиру андишани ўйлаб сузилмай қўяқол.

Севгимиз сезган кишилар олдида, эй Холисо,  
Иzzату обрўйимиз ерга тўкилмай қўяқол.

## ОЛИЙ ЧЕХРА

Сандин бўлак нигоро соҳиб жамол борму,  
Ишқингда мандин ўзга ошуфта ҳол борму?

Гулшан аро гул хижил чеҳран олинг кўриб,  
Ҳуснингин осмонида икки ҳилол борму?

Лаззатли сўзларнинг кайфи дилимга роҳат,  
Мунча сўзингдур лазиз тилингда бол борму?

Лолани барги аҳмар адҳами зийнат анга,  
Гул юзинг узра ёки лабингда хол борму?

Аҳду вафо бобида камолотнинг етишган,  
Кўрмаган эл хобида сенга мисол борму?

Васлигга восил ўлмай дунёдан ўтса Холис,  
Ошиққа зомин ўлсанг мундан увол борму?



## СОҒИНСАМ

Сабр этиб туролмайман гул юзингни соғинсам,  
Боғда учратолмайман бир ўзингни соғинсам.

Бор эмиш фалак узра ҳар кишига бир юлдуз,  
Ахтарай фазоларни юлдузингни соғинсам.

Қошларинг қаро қундуз мўйи игнадек дилдўз,  
Мен нечук қилай тоқат қундузингни соғинсам.

Ишқ эли баҳо қилса лому мим демай олгум  
Гавҳарим баҳосига ҳар сўзингни соғинсам.

Холсенинг бўлаб гирён, васл учун чекар ҳижрон,  
Кўзга тўтиё айлай мең изингни соғинсам.

## ЎХШАЙСАН

Юзингга боқсам эй дилбар моҳи тобонга ўхшайсан,  
Билолмасман башарсанму, пари гилмонга ўхшайсан.

Ниҳоли қадди бастингга бўлиб қойил деди шамшод,  
Муаттар анбарафшондек гули райҳонга ўхшайсан.

Баҳор мавсумида бўстону богимга бериб зийнат,  
Чаман нчра кулиб соққан гули хандонга ўхшайсан.

Мени оҳанрабо янглиғ муҳаббат қасрига тортдинг,  
Раҳмдил, меҳрибон, шафқатли бир жононга ўхшайсан.

Куйиб ишқингда, эй жонон, чекарман дарди ҳижронлар  
Давосиз дардама, эй дилрабо, дармонга ўхшайсан.

Гаҳи кун деб, гаҳи гул деб, бас энди ойга ўхшатмоқ,  
Деди Холис шарофатли, гўзал инсонга ўхшайсан.

## МУҲАББАТ

Хулқинга бериб баҳо муҳаббат,  
Таъбингни қилур зиё муҳаббат.

Ул шўх ситамгаринг жамолин  
Кўрсатгучи маҳлиқо муҳаббат.

Ойдек юзини ниқобин очса,  
Дардинга бўлур шифо муҳаббат.

Гулчеҳра санамни суҳбатига  
Кўргазди сени раво муҳаббат.

Маъшуқасининг саховатига,  
Ошиқни этар гадо муҳаббат.

Кўнгил ватанидаги биносин,  
Қасрига берур жило муҳаббат.

Васлига муяссар ўлса Холис,  
Умрига тилар бақо муҳаббат.

## ДЕСАНГ БАС

Эй шўхи барно йиғит, ошносиман десанг бас,  
Кўнглим учун мен шунинг шайдосиман десанг бас.

Рашки келиб кўролмай иғво солувчиларга,  
Ваъдасига вафодор сиймосиман десанг бас.

Севгимни қилсам изҳор дугона-дўстларимга,  
Сен сидқидил севишган барносиман десанг бас.

Булбул каби йиғитлар гул чехраларга ошиқ,  
Ғунча лабин булбули гўёсиман десанг бас.

Севгини заҳматига қилгувчи сабру тоқат,  
Ишқу муҳаббат элин пешвосиман десанг бас.

Эл ичра Холисона сўзлагил одилона,  
Ҳусни латофатингни гадосиман десанг бас.

## ЗИЁФАТ

Ҳуснингни мевасидап зиёфат айласанг-чи,  
Кўнглимни боғи ичра саёҳат айласанг-чи.

Гулрух санамлар ичра ўзингдур олиҳиммат,  
Чеҳрангни давлатидан саховат айласанг-чи..

Хулқи бад атвор ила муҳаббатим совутмай,  
Ишқ ўтидан жисмима ҳарорат айласанг-чи.

Журъатга йўқ мажолим сиёсатнинг ваҳмидан,  
Нозу карашма бирлан ишорат айласанг-чи.

Васлинг йўлида чеккан оҳимга раҳминг келиб,  
Севгини қонунига итоат айласанг-чи.

Саҳву хатоси бўлса Холис гуноҳин афв эт,  
Ҳақиқатин текшириб адолат айласанг-чи.

## БЕГОНА ДЕВ КУЛМАНГ

Мени ошуфта ҳолим кўрсангиз девона деб кулманг,  
Кечиб айшу фароғат мулкидин бегона деб кулманг.

Келур қайси томондин деб боқарман оҳ уриб нолон,  
Муҳаббат иштиёқида кўзи гирёна деб кулманг.

Санам васлини топмасдан юрурман доғу ҳасратда,  
Кўриб ранги харобимни дили бирёна деб кулманг.

Асиру мубталодурман гўзал ҳуснин чароғига  
Ўтар умри уқубатда бўлиб парвона деб кулманг.

Диловар мадҳини гар куйласам боғу эрамларда  
Жунун даргоҳида ҳар доимо мастона деб кулманг.

Боқиб атвори феълимга маломат тошин отманглар,  
Бўлибдур оқибат Холис дили вайрона деб кулманг.

## ҚАРАБ БЎЛМАС

Висол осмонида хуршид жамолингга қараб бўлмас,  
Магар оғушингга етганда ошиқ ташналаб бўлмас.

Нигоро, себги саҳросинда йинглаб зору сарсонман,  
Мушарраф бўлмогим васлингга, дилбар, беталаб бўлмас.

Жамолингга бўлиб вола, кўзимдан оқизиб жола,  
Муҳаббат йўлига тушганда кўнглим беталаб бўлмас.

Табассум айласа гулгунчадек хушнуд қилар зебо,  
Агар дил хушламоқни хоҳиш этса дарғазаб бўлмас.

Кўнгилни шишаси синса, иложин топмагай ҳеч ким,  
Қадоқчидек неча тadbирни қилсанг ҳам қадаб бўлмас.

Нигоро, тийри мужгонинг жароҳат қилди бағримни,  
Узинг раҳм этмасанг Холисни кўнгли биртараф бўлмас.

## ЭКАНСАН

Сарви санамлар ичра офати жон экансан,  
Гоҳи бўлиб диловар, гоҳи ниҳон экансан.

Сунбул сочи муаттар, тишлари дурри гавҳар,  
Сўзлари шаҳду шакар, ширин забон экансан.

Ғамза-ю жилванг сени банд этиб олган мени,  
Бир мен эмас ҳаммаи, шўхи замон экансан.

Мисли камондек бўлиб, орқа томон қайрилиб.  
Кипригидан ёй қилиб, тири камон экансан.

Сен мени ифтихорим, ишқнинг дил ичра торим,  
Мангу вафоли ёрим, мўрча миён экансан.

Қўрмаса бир соати, Холисни йўқ тоқати.  
Бўлса ёмон ҳолати, жисм ичра жон экансан.



## ҲАВАС

Дил қилур бир ҳусни зебо бокамолликни ҳавас,  
Ҳам ширин суҳбат хатарсиз, бемалолликни ҳавас.

Бўлса бир озода гулюз хуш латофатли санам,  
Оҳу кўз, қундуз қошу ҳам лабда холликни ҳавас.

Ер васфин назм этарга дурри маржондек териб,  
Шеър ёзмоқликда қилдим хуш хаёллиқни ҳавас.

Бўлсин ул ахлоқу одобу илмда тенги йўқ,  
Ваъдага содиқ вафодор бемисолликни ҳавас.

Оразидан кўзга тортсин боқсангиз олтин таноб,  
Табъим истар, Холисо, хуршид жамолликни ҳавас.

## ХИЖОЛАТДАНМИКИНИ

Тоқатимни йўқлиги ишқи ҳароратданмикин,  
Ёки мужгон тиридин етган жароҳатданмикин?

Ёрга кўнгул берганимни ҳеч кўролмайди рақиб,  
Бу адулардин менга етган қабоҳатданмикин?

Кўрсам ул гулчеҳрани кўзни узолмайман нетай,  
Бонси билмам надур ҳусни латофатданмикин?

Ёрма арзим баён айлай десам қилгай ғазаб,  
Рўйихуш бермаслиги балки адоватданмикин.

Рўбарў бўлсам агар кўзни қочиргай ҳар томон  
Ноўрини сўздан кейин бўлган хижолатданмикин?

Лола рух айлаб ибо пинҳон мийиғда кулгани  
Ёру дўстлардан анга Холис далолатданмикин?

## МАСКА УЗУМ МАДҲИ

Қўп вилоятларга манзур Каттақўрғон маскаси,  
Ким тановул қилса масрур Каттақўрғон маскаси,  
Қилди эл-юртимни маъмур Каттақўрғон маскаси,  
Таърифи оламга машҳур Каттақўрғон маскаси.

Қишда деҳқон сандугида қатба-қат бол бойлағай,  
Парвариш қилмоқда боғбон сидқи дил ардоқлағай,  
Элни дастурхонида меҳмоннинг кўнглини чоғлағай,  
Хушнуд этмоқликда мағрур Каттақўрғон маскаси.

Шарбатидан ким тотиб кўрса берур олий баҳо,  
Лаззати бемор кишилар дардига бўлғай даво,  
Қилса истеъмол бўлур ҳар кимсанинг умри баҳо,  
Мақтасам мақтовга арзир Каттақўрғон маскаси.

Бу майиз шаклин қилолмас Каттақўрғондин бўлак,  
Барчага донгин таратган йўқ шу боғбондин бўлак,  
Тавсифин ҳеч ким қилолмайдуր ғазалхондин бўлак,  
Холис ахборига дастур Каттақўрғон маскаси.

## ПАХТАМИЗ

Бахш этар мамнунчилик, ҳур давру даврон пахтаминз,  
Қолмагунча бу кўнгиллар ичра армон пахтаминз,  
Турли ашёларни нархин қилди арзон пахтаминз,  
Боиси — файзу, фароғат, фахри инсон пахтаминз.

Бу туфайли ҳар он ортар дўстлигу қардошлик,  
Бўлдилар пирн бадавлат, бизда бор жондошлик,  
Халқимиз сабру қаноат бобида бардошлик,  
Аҳли меҳнат хизматин қилди намоён пахтаминз.

Шул каби эркин замона бундан аввал бўлмаган,  
Завқ-шавқ бирлан элимни кўнгли асло тўлмаган,  
Орттириб бойликни бойлар, камбағал бой бўлмаган,  
Энди бизни бой қилиб, тўлдирди ҳамён пахтаминз.

Ўзбек аҳли шоду хуррам, номимиз деб пахтакор,  
Ишлаганлар сидқи дилдан ёзу куз, фасли баҳор.  
Берди ҳар доим бу ишга партиям зўр эътибор,  
Холисо, мавжуд этар ҳосилни чандон пахтаминз.

## ТУШИМ

Ноғиҳон туш кўрдим ухлаб эрталаб,  
Ёр келур ўйнаб қошимга эркалаб,  
Оҳу кўз, дурдона тиш, гулгунча лаб,  
Ханжари мужғони бағрим гиждалаб.

Ухлаган жойим ажаб гулбоғ эмиш,  
Навбаҳор гуллар очилган чоғ эмиш,  
Сочи мажнунтол каби тарқоқ эмиш,  
Мен кутиб олдим уни арзандалаб.

Келгач ул қошимга ишва-ноз билан,  
Ҳуснига зеблар бериб пардоз билан,  
Дилга ором бергучи овоз билан,  
Куйлади оҳиста гўё аллалаб.

Эсладим кўзни очиб кўрган тушим,  
Бўлди ғойиб у пари, кўнгил хушим,  
Олди Холис бошидан ақлу ҳушим,  
Бўлди пинҳон, кўнглим ичра ўт қалаб.

## ЕР ТАНЛАДИМ

Бахт уйин равшан қилурга моҳи тобон танладим,  
Дафъи савдо деб кезарга бир гулистон танладим,  
Ҳур ҳаётим гулшани боғига боғбон танладим,  
Меҳрибон тан маҳрами жонимга дармон танладим.

Хаста кўнглимни бу кун бир лаҳза шодмон этгали,  
Боғи гулзорлар аро гул бирла хандон этгали,  
Севгидан суҳбат қурибон роҳатижон этгали,  
Таъбима қадди мувофиқ ёри жонон танладим.

Мен унга шайдолигимдан йўлларига термулиб,  
Ҳажрида ғам чекканимдан қолди рухсорим сўлиб,  
Бас менга васлига восил бўлсам, ул боқса кулиб,  
Дардима дармон бўлур деб, малҳами жон танладим.

Тобу тоқат менда йўқдир ҳар куни бир кўрмасам,  
Андалибу хушнаводек қаддидан ўргулмасам.  
Холисо, бўлмас бу сирни ёрима билдирмасам,  
Бир умр йўлдоши бўлмоққа қадрдон танладим.

## ТОҚАЙГАЧА

Ҳуснига мағрур ўлиб қилгай ҳаво тоқайгача,  
Зебу зийнатлар қилиб бергай жилю тоқайгача,  
Навқиронлик чеҳрасин айлаб зиё тоқайгача,  
Куйлабон ўйнар қилиб рақсу наво тоқайгача,

Навжувонларни муқаддас бурчидир эл ҳурмати,  
Кексаларни қилса ҳурмат ёшни ортур қиймати,  
Ҳаққиға айлар дуо кўнгилда чексиз ҳиммати,  
Бу ўғил-қизлар юрур қилмай ибо тоқайгача.

Баъзилар худбин эрур асло узоқни ўйламас,  
Қуш каби дон деб югургайлар тузоқни ўйламас,  
Сўзласа навбатин бермайдур тууроқни ўйламас,  
Шундай ишларни қилур ўзга раво тоқайгача.

Неча йил ўтгач, юзингдан зебу пардозинг кетар,  
Қартайиб қолгач, карашма жилваю нозинг кетар,  
Бу ҳаёт фаслини яшнатган баҳор, ёзинг кетар,  
Соч-соқолинг, Холисо, бўлгай қаро, тоқайгача.

## ҚҰРҚАМАН

Бергали гулрухга кўнгул, ор этар, деб қўрқаман,  
Хуснига муштоқ этиб кўп зор этар деб қўрқаман,  
Бодайи васли мени ҳуммор этар деб қўрқаман,  
Кўздан уйқумни олиб бедор этар деб қўрқаман.

Кўрганимда арзи-дил айтишга кўнглим бетламас,  
Мақсадимга етмайин қайтишга кўнглим бетламас,  
Севгимиз торин узиб чалғишга кўнглим бетламас,  
Ошйқи зоринг десам инкор этар деб қўрқаман.

Бу нигорим мен дилафкорига раҳм айлар десам,  
Не ажаб кунлар бошимдан ўтди фаҳм айлар десам,  
Рангу рўйимга боқиб, ҳолимга раҳм айлар десам,  
У купимдан бу куним душвор этар деб қўрқаман.

Улки нодонлик қилиб ишқи ниҳоним сезмади,  
Сийнада пинҳон тутиб қилган фиғоним сезмади,  
Шунча бепарво экан, ранги сомоним сезмади,  
Ҳолисидан ўзгани дилдор этар деб қўрқаман.



## ТАНҲОЛИГИНГДАН

Сенга ошиқлигим зеболигингдан,  
Фаросат бобида донолигингдан,  
Латофат боғида раънолигингдан,  
Юзи гул, кўзлари шаҳлолигингдан.

Ишоратда нигоҳингдур дилафрўз,  
Қилур таҳсин қошингни кўрса қундуз,  
Кўриб ҳуснинг, самодин ою юлдуз  
Боқиб ҳайрон қолур танҳолигингдан.

Жамолинг гулшани гўё баҳордир,  
Кўнгил васлингга бир етмоққа зордир,  
Йироқликда жаҳон кўзимга тордир,  
Гоҳи пинҳон, гоҳи пайдолигингдан.

Мени раижитма кўп, эй, шўхи барно,  
Дебон минг боралар қилдам тавалло.  
Бу Холис то абад васлингга шайдо —  
Ширин сўзлик гўзал сиймолигингдан.

## ЗЕБО САМАРҚАНД

Ватан ҳуснидаги оро Самарқанд,  
Баҳор айёмидек ҳузро Самарқанд,  
Қиёс осмонида Зухро Самарқанд,  
Шнорим зийнати туғро Самарқанд,  
Табаррукликда бир сиймо Самарқанд.

Фалак чархин Улугбек қўлга олди,  
Яна ер куррасини тарҳин олди,  
Расадхона қуриб, тартибга солди,  
Мунажжимликда бузрук номин олди,  
Эрурсан бир улуг дунё Самарқанд.

Сенинг кўксингда ўтган кўп азизлар,  
Навой, Жомийдек соҳиб тамизлар,  
Темурлангдан қолиб бир қанча излар,  
Минора пештоқи юлдузни кўзлар,  
Фаросат бобида доно Самарқанд.

Гўзал чеҳраида юзлаб санъатинг бор,  
Қаён боқсам тугалмас талъатинг бор,  
Қадимий шавкатинг ҳам шуҳратинг бор,  
Китоб сафҳаларинда суръатинг бор,  
Кўзим тўймас боқиб зебо Самарқанд.

Муаззамликда етган кўкка боши,  
Буюк осмонимиз сўнмас қуёши,  
Фаровон халқининг мамнун маоши,  
Етибдур икки минг беш юзга ёши,  
Кўнгил мулкидаги байзо Самарқанд.

Ажойиб муҳташам нақшин бинолар,  
Ана наққошлигу сайқал жилолар,  
Зиёратга келур дўст-ошнолар,  
Дебон раҳмат қилур Холис дуолар,  
Сенинг мадҳингга тил гўё Самарқанд.

## ЯЎЛГА ТУШДИМ

### *Навоий ғазалига мухаммас*

Йўлга тушдим ёр сари ранжидан гомим била,  
Дилга расмини олай деб дийда рассомим била,  
Суҳбат этмоқлик учун ул шўхи гулфомим била,  
Бир қадаҳ май ичмадим сарви гуландомим била,  
Бир нафас уйрилмади даврон менинг комим била.

Фурқатин ўтига бир ён бўлди аммо жисму жон,  
Дарди ҳижрони қандоқ сақлайин элдин ниҳон,  
Бўлди бошимга аламнинг лашкари соҳиб қирон,  
Бир майи ким онсиз ичдим топгали ғамдин омон,  
Заҳри ғам гўё эзилмиш эрди ул жомим била.

Бир нафас шод ўлмадим золим фалак давронида,  
Маҳбус ўлдим чора топмасдин алам зиндонида,  
Умрим ўтди соати суҳбат қилолмай ёнида,  
Тунга етмас кунни ўткардим ўлиб ҳижронида,  
Кунга етмасманму ваҳ бу субҳи йўқ шомим била.

Инглай-инглай кўз ёшим селобига бўлдим гарик,  
Бу жигар-багрим қуёш нори биландур муҳтарик,  
Бор умидим борҳо бўлгайму деб ёрим шафиқ,  
Қайда бўлсин музтариб кўнглимга ором, эй рафиқ,  
Тутмадим ором-чун бир дам дилоромим била.

То адам дунёсига кетсам қутулсам яхшироқ,  
Ёр юрган кўчаси узра кўмилсам яхшироқ,  
Ё маломат тиғин ўқига тугилсам яхшироқ,  
Кўнглим ичра бут ғами куфр ичра ўлсам яхшироқ,  
Аҳли дин олиға боргунча бу исломим била.

Ном лочиқликни олмас ким ҳавога учмайин,  
Қаҳрамонлик ном ололмас кимки жондин кечмайин,  
Бу муаммо сирни Холис ҳам билолмас ечмайин,  
Эй Навоий, ўлсам армон элтгумдир ичмайин,  
Бир сабуҳий гул узори бода ошомим била.

## ШАВҚИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Талаб қилмоқ хато нокас кишидан маслаҳатдонлиғ,  
Билингим, норасо аҳли солурлар дилга вайронлиғ,  
Дили тилга мувофиқ бўлмаган билмас суҳандонлиғ,  
Умид этмоқ вафо ҳар суфлалардин айни нодонлиғ,  
Деса бўлгай топилмас аҳди ёлғонларда инсонлиғ.

Кими қадди букилган бўлса сен унга асодек бўл,  
Азизлар суҳбати ичра униб, ақли расолик бўл,  
Тавозу пешалар айлаб, ҳақиқий ошнодек бўл,  
Вафо аҳдингга айла, қавм ила феълингда содиқ бўл,  
Мунофиқлик нишонидур кишида аҳди ёлғонлиғ.

Ишингни ибтидосидан бурун ўйлаб тасаввур қил,  
На сўз сўзлашни фикрингда, дилу тилда тазаккур қил,  
Агар ким яхши иш қилса қилиб таҳсин ташаккур қил,  
Ҳар иш айлардан аввал эҳтиёт айлаб тафаккур қил,  
Қўлингдан ўтса вақти суд этмасдур пушаймонлиғ.

Кириб нафсининг йўлига мол йиғарлар қийналиб жони,  
Вафот этса олиб кетмас бисоту мулку ашённи,  
Юмиб кўз қилса рихлат дилида кетгай армони,  
Бу фонни дунёдин ғамсиз кетарни йўқдир имкони,  
Бўлуб ҳар кимсани таъбига боқсанг, бир паршонлиғ.

Хато йўлдан ўзингни сақла, умрингга завол ўлғай,  
Агарки, яхши иш қилсанг ҳаётинг баркамол ўлғай,  
Ҳақиқат сўзласанг ҳар ким эшитса бемалол ўлғай,  
Қалам ёзган қадардин саъйи ўтмоқлик маҳол ўлғай,  
Нигин тутмоқ била ҳар кимса топгайму сулаймонлиғ.

Кўнгулни кенг тутиб фан ичра дарёи Амудек бўл,  
Қилиб дўстингга дўстликлар, адуларга адудек бўл,  
Қоронғуликни равшан этгучи, Холис, Бакудек бўл,  
Дилингни рост тутгил зоҳиру ботинда сувдек бўл,  
Аё Шавқий, будур фаҳм айласанг расми мусулмонлиғ.

## МИРИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Ёр билан ўтган умр мианг даври даврондин лазиз,  
Ҳар нигоҳи дардима юз дори дармондин лазиз,  
Ҳуснини кўрганлар айтур ҳуру филмондин лазиз,  
Ёр лаълини нечук дей оби ҳайвондин лазиз,  
Оби ҳайвон не деган сўз, шарбати жондин лазиз.

Дилрабони суҳбати дил қулфига бўлгай калид,  
Ҳар сўзин маъносида бордур ажаб бир олий дид,  
Тўти гуфторин эшитгач ҳар киши қилгай умид,  
Сўз ҳам ул лабдан масеҳ анфосидек бергай навид,  
Кулку ул оғзида ҳар ширинки бор андин лазиз.

Чеҳрасин бир бора кўрган қошидан кетмас нари,  
Ой хижолат ҳуснидан, инсон эмас, ҳур ё пари,  
Қадди-бастига қараб дерлар гўзаллар сарвари,  
Лутф этиб мастона-мастона келур кулбам сари,  
Хизматида жон нисори бордур имондин лазиз.

Киприги жон қасдининг тийри эрур қоши камон,  
Хавфида ғам чекканимдин лола рангим заъфарон,  
Чорасизликдан қилурман кеча-ю кундуз фиғон,  
Ўқи жон ичра алиф ҳам ёсидур нуни равон,  
Роҳати жондек эрур ҳар захми жонондин лазиз.



Арзигаъ бӯлсам букун боди сабони садқаси,  
Бу нигорим ҳажрида етган жафони садқаси,  
Жисми жонларини қилай аҳду вафони садқаси,  
Арзигаъ бӯлсам ўшал позик адони садқаси,  
Тур вафо шартида, йўқдур ушбу паймондин лазиз.

Шоду хандон ўрнига кўрган куним абтар менга,  
Кулфату ғам бӯлди ҳардам такаю бистар менга,  
Хонумонимдан кечиб бӯлмоқ адам беҳтар менга,  
Ҳар неча ким ваъдаси ялғон фараҳ ортар менга,  
Шеър мавзундикки бӯлгай лафзи ялгондин лазиз.

Енгадур ғам лашкарини боданинг гозийлиги,  
Ҳукми фармонига мансуб ошиқин розилиги,  
Рост эрур, Холис, муҳаббат риштасин мозийлиги,  
Жом завқи Каллиқургон ҳуттасин қозилиги,  
Жоми шукр оғзида Мирий Каттақўрғондин лазиз.

## ДУСТ БИЛАН

*Эркин Воҳидов ғазалига мухаммас*

Эътибор айланг сўзимга бўлса бу афсона ҳам,  
Яхши сўзни тинглагайлар душману дўстона ҳам,  
Куйлагай мадҳингни қумри, булбулу бедона ҳам,  
Дўст билан обод уйинг гар бўлса у вайрона ҳам,  
Дўст қадам қўймас эса вайронадур кошопа ҳам.

Мунтазир ҳар бир хуш илҳом куйга солган назмига,  
Соҳиби кулли мато таҳсин харидор жазмига,  
Сўзлаган нотик қарар нутқин эл ичра ҳазмига,  
Интизор ҳар уй диловар, дилкушолар базмига,  
Гар оёқ қўйса қабоҳат йиғлагай остона ҳам.

Молдан айрилмоқ аламли, элдин айрилган ёмон,  
Бил ҳақиқат сўзларимни, шубҳа қилмай бегумон,  
Ақлу идрок борасинда юр бўлиб одамсимон,  
Яхши дўстлар даврасида очилурсан ҳар замон,  
Кўркини шода ичра топгай марварид дурдона ҳам.

Олма ердан ялтироқ тошларни бу дурдона деб,  
Айтма ҳар кимга сирингни дўстиму ҳамхона деб,  
Келмасин раҳминг раҳмсизга дили вайрона деб,  
Сўрма мендан ким, дилоро, дўстми ё жонона деб,  
Дўст менинг кўнглимдадур, жонимдадур жонона ҳам.

Зарбадин чиқгай садо танбур, дутору торидан,  
Кўнглини узмас киши чиндан севишган ёридан,  
Бўл йироқ одамни баъзи тулкидек айёридан,  
Қочма ростгуй дўстларингни коҳишу озоридан.  
Қадди рост шамнинг тилидан ўртанур парвона ҳам.

Эл аро бўлсин десаг бахтинг шарафли сарфароз,  
Тўғри сўз бирла насиҳат қилса қилма эътироз,  
Овқатингни лаззатин қилгай ширин аччиқ пиёз,  
Дўст қидир, дўст топ жаҳонда, дўст юз миғ бўлса оз,  
Кўп эрур бисёр душман бўлса у бир дона ҳам,

Қишининг офтобини кўргач, бўлди ёз деб ўйлама,  
Баъзида енгил жароҳатни мараз деб ўйлама,  
Кимсанинғ жисми занфроқ умри оз деб ўйлама,  
Ким сенга ҳамроз эмасдур боғараз деб ўйлама,  
Гоҳи душманлик қилурлар қўл сиқиб дўстона ҳам

Хотирингдан ҳеч унутма дўстларинг еткирса нек,  
Сақлама кўнглида асло наштарин сўзларга кек,  
Йўқ қадрдоним дебон Холисларингга қўйма чек,  
Дўсти содиқ йўқ экан деб ўртаниб куйма ва лек  
Меҳр уйин кенг очсанг, Эркин, дўст бўлур бегона ҳам.

## ШАВОНҲИ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Майл матлубимни узвим бирла пайванд айлангиз,  
Ахгар узра куйдириб жисмимни аспанд айлангиз.  
Ой атрофида кавкаб хайли апканд айлангиз,  
Ул пари куйнда мен девонани банд айлангиз,  
Банд бандим зулфи занжирига пайванд айлангиз.

Ишқ водийсида юрган гумраҳи сарбастанни,  
Чорасиз даҳри муҳаббат даштида норастанни,  
Утган умри топмайин бир маҳрами орастанни,  
Халқ тарки ишқ айларга мани дилхастани,  
Қўрсатиб олам элига мужиби панд айлангиз.

Зулм осмонида парвоз айлаган бургутлари,  
Пўсти гўштиимни ғизо этгувчи денгиз хутлари,  
Айлангиз тоза тановул қолмасин сарқитлари,  
Телба кўнглим топмасангиз, эй ёр кўйи итлари,  
Тўш-тўшидан тишлабон парканд-парканд айлангиз.

Қул каби бозор аро сотмиш мани, эй дўстлар,  
Хонан зиндонига тортмиш мани, эй дўстлар,  
Мазлуму мажруҳ аро қотмиш мани, эй дўстлар,  
Бодаи ишқ усру маст этмиш мени, эй дўстлар,  
Жомима афюн эзиб бирдам хирадманд айлангиз.

Келсалар ҳолим сўрарга не бўлур маҳбублар,  
Илтифотидан бўлурму баҳраманд мағлублар,  
Бўлмаса мавжуд манга гар муддао, матлублар,  
Ииғласам аччиқ малул ўлмоқ недур, эй хўблар,  
Ҳазл учун гоҳи боқиб, сиз ҳам шакарқанд айлангиз.

Эй муҳофиз ёрнинг кўзгусига қўндирма гард,  
Ошиқ улдур жумла шайдолар ичинда бўлса пард,  
Тортибон ранжу машаққат, гул руҳим аксида зард,  
Ишқ баҳрида дурри васл истаманг, эй аҳли дард,  
Кўнглингиз ул нақд ёди бирла хурсанд айлангиз.

Истабон мақсуд мақомин, бу жаҳон борин кезинг,  
Бўлмаса мақсудингиз ҳосил палак чархин бузинг,  
Ваъдан вонс қилиб Холис билан аҳдин тузинг,  
Қилсангиз тасвир Лайли ҳуснуи ул ойдек сизинг,  
Лек Мажнунин Навоий бирла монанд айлангиз.

## МУНДАРИЖА

Ленин . . . . .	3
«Оқ олтин» . . . . .	4
Самара . . . . .	5
Дўстлик рамзи . . . . .	6
Яхши сўз . . . . .	7
Шавқий мадҳияси . . . . .	8
Мувашшах . . . . .	9
Яхши хотин . . . . .	10
Уйлаб сўйла . . . . .	11
Кифоя . . . . .	12
Холининг донасидан . . . . .	13
Иқболимму?! . . . . .	14
Эй гўзал . . . . .	15
Олий чеҳра . . . . .	16
Соғинсам . . . . .	17
Ухшайсан . . . . .	18
Муҳаббат . . . . .	19
Десанг бас . . . . .	20
Зиёфат . . . . .	21
Бегона деб кулманг . . . . .	22
Қараб бўлмас . . . . .	23
Экансан . . . . .	24
Ҳавас . . . . .	25
Хижолатданмикин? . . . . .	26
Маска узум мадҳи . . . . .	27
Пахтамиз . . . . .	28
Тушим . . . . .	29
Ёр танладим . . . . .	30
Токайгача . . . . .	31
Қўрқаман . . . . .	32

Танҳолигингдан	.	.	.	.	.	.	33
Зебо Самарқанд	.	.	.	.	.	.	34
Йўлга тушдим	.	.	.	.	.	.	36
Шавқий ғазалига мухаммас	.	.	.	.	.	.	38
Мирий ғазалига мухаммас	.	.	.	.	.	.	40
Дўст билан	.	.	.	.	.	.	42
Навоний ғазалига мухаммас	.	.	.	.	.	.	44

На узбекском языке

ХОЛИС (Кабулов Шараф)

## ПЕСНИ ВЛЮБЛЕННЫХ

С т и х и

Редактор М. Жалил  
Рассом Т. Саъдуллаев  
Расмлар редактори Н. Холиқов  
Техн. редактор Б. Шамс  
Корректор И. Мирзамаҳмудов

Босмахонага берилди 6/VIII-74 й. Босишга рухсат этилди.  
28/X-1974 й. Формати 60x90 1/32. Босма л. 1,5. Нашр, л. 1,0. Р.  
09637. Тиражи 10000. Гафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат  
нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 82-74.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича давлат комитетининг  
Бекобод шаҳар босмахонасида № 1 қозоғга босилди. Бекобод  
шаҳри. Заказ № 27. Баҳоси 42 Т.